

Нега Оврўпа Худодан воз кечди?



18:45 / 02.02.2019 8803

Мунтазам равишда хорижий хабарларни, хусусан Оврўпага оид янгиликларни кузатиб бораётган одам, динга оид янгиликлар асосан икки ҳолатда ёритилаётганига гувоҳ бўлади: ё Рим Папаси ўзининг баъзи бир бузуқ патологияга мубтало бўлган шаҳватпараст руҳонийлари (педофиллар) учун ҳисобот бераётган бўлади, ёки “Ислом хавфи” ҳақида сўз бораётган бўлади.

Бунда матбуотнинг қандайдир давомий таъсири борлиги аниқланди, яъни бундай гипнозловчи такрорланиш натижасида энг диққатли ўқувчи ҳам бир маромга мослаштирилади. Динга хизмат қилувчилар билан бирга педофилия каби оғир жиноятни умумий бир қаторга қўйиш ёки бутун бир динни ғайриихтиёрий равишда ўқувчининг онгида мурсога келмайдиган душман сифатида жонлантириш учун маълум бир андоза-қолип ясалмоқда,

у эса, ўз навбатида, умумлаштириш усули орқали “ҳаракатдаги шахсларнинг” барча соҳаларига, яъни умуман диннинг ўзига, қўлланилади. Бу мақола орқали ғарб оммавий ахборот воситалари динни оммага, айниқса динга қарши турувчи ғарб ўқувчиларига қай услубда ҳавола қилаётганини муҳокама қилмаймиз. Бу ерда биз ўша “ўқувчи” қаердан пайдо бўлиб қолганини тушунишга ҳаракат қиламиз. Ўрта меъёрдаги оврўпаликнинг динга муносабати қандай? У ўз жони нажот топиши учун нима қиляпти, аслида бу ҳақда қайғуряптими ўзи? Қайси динни танляпти? Гапимиз асосан Шимолий ва Марказий Оврўпа аҳолиси ҳақида бўлади, яъни нафақат иқтисодий, балки маънавий тарафдан ҳам деярли бутун “қолоқ дунё” эргашмоқчи бўлган мамлакатлар хусусида. Мазкур мамлакатлар ўзларича ҳаёт стандартларини белгилайдилар ҳамда уларнинг универсаллиги, яъни ҳамма учун яроқли эканини тарғиб ҳам қиладилар.

Худодан воз кечиш

Оврўпаликлар асрлар давомида Худога “ўқ узиб” келганлар. Айнан қайси “ўқ” унинг метафорик ўлимига сабаб бўлганлиги ҳақида эса турли фикрларни илгари суриш мумкин, холос. Балки, ўзича “Худони овлаш”ни касб этган қатор ҳодисалар ижтимоий онгдан диний асосни имкон қадар чиқариб ташлашга таъсир этгандир: инсонни бутун борлиқнинг маркази сифатида эълон қилган ва асосий урғуни бу дунёга берган XV ва XVI асрлардаги Уйғониш даври; янги эътиқод – Фан ва Ақлга бўлган эътиқодга асос солган XVII ва XVIII асрлардаги Маърифат даври; одамлар орасидаги алоқаларнинг иқтисодий тизимига нисбий тенгликни олиб кирган, бироқ, ҳаммасидан ҳам, дунёвий давлатга асос солган XVIII ва XIX асрлардаги буржуа Инқилоблари; ёхуд инсон мавжуд бўлишининг ўзини ақлсиз бир тушунмовчилик сифатида ифода этган XIX ва XX асрлар фалсафасидаги нигилизм ва экзистенциализм. Натижада, шубҳасиз муқаддас нарсалар шахсий ҳаётдан суриб чиқарилди, иш уларни буткул йўқ қилишгача етиб борди ва, шу билан бирга, моддият ва дунёвий нарсалар муқаддас нарсаларга қарши ўлароқ жамоавий ва ижтимоий ҳаётга сингдирилди.

Худодан воз кечиш – замонавий Оврўпанинг ўзига хос ғоявий йўл-йўриқ, дастури бўлиб қолган. Инсон ахлоқан ва ақлан шунчалик баркамолки, у ҳатто илоҳга муҳтож эмас, дея тантанали равишда эълон қилинмоқда. Унинг ахлоқий баркамоллиги мустақил равишда эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги фарқни ажрата билиш, пировардида, жазоланишдан қўрқмаган ҳолда содир бўлаётган воқелик учун масъулиятни ўз зиммасига олиш,

турланувчан ахлоқ ижозат берган жойда “билағонлик қилиб” ҳамма жойга: сиёсатга, тарихга, инсон онгига бурнини суқиш “қобилияти” билан белгиланмоқда. Ҳозирги замонавий оврўпаликнинг трансцендентдан (тажрибага асосланмаган билим), яъни илоҳий таъсирдан холи ақлий баркамоллиги ҳар қандай зоҳирий ва ботиний (!) феноменга (фавқулодда ҳодиса) ташқи таянчсиз мантиқий изоҳ бера олиш қобилияти билан белгиланмоқда.

Бўш жой эгасиз қолмайди

Янги давр бошланиши билан Оврўпани ўзига ғарқ қилган илм-фаннинг жадал равишда ривожланиши XIX асрнинг иккинчи қисмидан бошлаб етакчи мафкурага айланиб, Худо ва динга муқобил бир кўринишда намоён бўлди. Илм-фан ўзича бирон нарсаларни исботлаш мақсадида ўз талқинларини олға сура бошлади, у тақдим қилган нарсалар кўп ҳолатларда шубҳали ва бахсли бўлишига қарамай ғайбга бўлган иймонга деярли барҳам беришга муваффақ бўлди. Худонинг нима кераги бор, агар илм-фан барча саволларга жавоб бера олса? Бунинг натижаси ўлароқ, динни қандайдир эскирган, фойдасиз, исботсиз деб эълон қилишди. Шунга қарамай, Худога ҳам лабораторияларда ишлатиладиган шиша идиш ва пробиркалар орасидан жой ажратишди: Унинг мавжудлиги исботланадиган ёки рад этиладиган навбатдаги ўлчам, қийматга айлантирилди. Худо гипотезага айланди ва моддий, материя бўлмагани учун у табиий илмларга хос тажрибалар йўли билан исботлана олинмайди. У парманент инкор қилиш категориясига айланди. Аслини олганда атеизм мана шу нарсаларга асосланган.

Маълумки, ҳар қандай мафкурани қандайдир бир манфаат йўлида ишлатиш мумкин: шуҳрат, мансаб ёки моддий фойда олиш учун. Сохта фанни юқорида зикр қилинган мақсадлар учун хизмат қилдиришнинг энг зўр мисоли сифатида 2007 йилнинг бестселлери бўлган "Худо номли иллюзия" (The God Delusion) асарини айтиш мумкин. Ушбу "илмий-маърифий" асар муаллифи, Оксфорд профессори, эволюциончи ва "фанни оммалаштирувчи" Ричард Докинз ўзига хос бўлган скептицизмсиз, табиий танланиш ғоясига қаттиқ ишонади ва динга қарши кескин гапириб, уни иллюзия, яъни инсон онгининг носоғлом маҳсули, атеизм эса соғлом ва ҳур ақлга асосланади, деб айтади. Таъкидлаш жоизки, мазкур китоб динни танқид қилиб бестселлерга айланган ягона китоб эмас, бу маълум маънода жамиятнинг мойиллиги, интилишларини ҳам кўрсатиб беради.

...Инсон ақли Худони озми, кўпми инкор қилар экан уйғунликдан (гармония) маҳрум бўлади. У қайта-қайта ўзига бир таянч излайди – нарсаларга берилган сохта илмий тушунчаларни мутлоқ ҳақиқат деб қабул қилади, у илм-фандан барча муаммолар ечимини кутади. Бу ҳолатда эса, худди анъанавий динларда бўлгани каби, муқаррар аксиомалар, догма, мазҳаблар ва оқимлар пайдо бўлади... Бироқ, шундай бўлса ҳам, эртами ё кеч васвасага тушиб қолган "homo scientificus" — "илм одами" (бошқача айтганда илмга сиғинадиган одам) асл воқеликка дуч келади: илм-фан борлиқнинг (ҳаётнинг) асл мақсадлари каби саволларга жавоб бера олмайди. У яхшилик ва ёмонлик, гўзаллик ва қабоҳат каби нарсаларни қайд қила олмайди, математик формулага ўхшаб муҳаббатни ҳам таърифлай олмайди. Бунга ўхшаш барча категорияларни мантиқий йўллар билан исботлаб, тушунтириб бўлмайди, бу эса ўз навбатида илм-фаннинг чегараси борлигини, унинг бутун мавжудот тавсифини беришни ҳам уддалай олмаслигини янада ойдинлаштиради.

Секуляризация оқибатлари

Янги давр маданиятига асосланган кенг қамровли диний инқироз маънавий тутуриқсизликнинг ўсиб бориши билан уйғунлашмоқда. Рад этиб бўлмайдиган айна шу фактга алоҳида эътибор қаратиш керак. Ҳаёт маъносининг йўқолиши ҳаракатларнинг самарасизлигига олиб келадики, бу бутун умр давомида тўхтамайди ва ҳаётдан қониқмасликни юзага келтиради. Яъни, инсон туғилиши, мактабга бориши, ишга кириши ва ўлими, буларнинг ҳаммаси нима учунлигини билмай ўтиб кетаверади. Ёки ўзича ҳаракатларига янги маъно бериб, моддий фаровонликни, тизимнинг самарадорлигини таъминлашга уринади, ва ниҳоят, «ҳамма шундай қилаётгани» учун уни «эҳтиёж» деб оқлайди.

Черков ўзининг бевосита вазифаларини бажармай қўйганига ҳам анча замонлар бўлди. У қайсидир жой учун манзарага ёки сайёҳларни жалб қиладиган, диққатга сазовор бир иншоотга айланди. Диний байрамлар шу даражада тижорийлашдики, камдан-кам одам уларнинг келиб чиқиши ва улардан кўзланган мақсадни айтиб бера олади. Одамлар катта ҳаяжон билан дам олиш кунларини кутадилар, уларнинг мақсади ибодат эмас, аксинча клубда уюштириладиган «кеча»дан завқ-шавққа тўлиб жазавага тушишдир. Бу эса, ўз ўрнида унинг онгидан бир ҳафталик тушкун ҳаёт асоратларидан халос бўлишга ёрдам беради. Эрих Фром таҳлил қилишича: "Бизни ҳаёт мазмуни ҳақидаги савол ҳам, унинг ечими ҳам ўйлантирмас: биз ўз ҳаётимизни муваффақиятли тарзда "инвестиция" қилиш ва уни

ҳаддан ташқари катта омадсизликларга йўлиқмай яшаб ўтишдан бошқа мақсад йўқ, деган ишонч билан бошлаймиз [...] Эътиқод ҳам, эътиқодсизлик ҳам уйқусиз тунларга сабаб бўла олмас ва жиддий қайғуришни ҳам келтириб чиқармас. Аслида, инсон Худога ишонадими ёки йўқми, бизнинг маданиятимизда психологик томондан ҳам, асл диний нуқтаи назардан ҳам бунинг фарқи йўқ. Ҳар икки ҳолатда у Худога ҳам, ўзининг мавжуд бўлиши ҳақидаги саволга ҳам қизиқиш намоён этмайди”. Шунга қарамай ҳаётнинг маъносини билишга бўлган эҳтиёж ҳали ҳам бор. Бу маъно ғайриоддий, баъзан эса даҳшатли кўринишлар билан ҳам ифодаланади: оқимлар, шахсга сиғиниш, миллат ва давлатни улуғлаш, пул ва моддиятга ружу қўйиш, бюрократик доиралардаги вазифаларни эгаллашга жон-жаҳди билан интилиш, поп-юлдузлар ва футбол жамоаларини илоҳийлаштириш, қўшиқчи ва спортчи бўлишга ҳаракат қилиш каби. Умуман олганда, шахснинг ўзлиги йўқолиб бормоқда — ички олами барбод бўлган инсон ўз руҳиятини сунъий нарсалар (суррогат) билан тўлдирмоқда. Жамият ҳам айни йўлдан кетяпти. Никоҳ ва оила сингари ижтимоий муассасалар барбод бўлиб, қатъий ахлоқий меъёрлар ҳам йўқолиб бормоқда.

Хулоса ўрнида

Замонавий Оврўпа дунёсида дин муҳокама қилинганида унинг воқелигига айланиб бўлган Исломдан кўз юмиш мумкин эмас. Биз хулосада Исломнинг ғарб дунёвий жамиятларидаги ўрни ва тутган ролини қисқача тасвирлаб ўтишга ҳаракат қиламиз. Унинг ғарб саҳнасида ёрқин тарзда пайдо бўлиши ҳозиргача «тарихий ҳодиса» деб саналаётган ва исломофоб жараёнларнинг сабаби бўлган 11 сентябр воқеалари билан боғлиқ эмас. Ислом «тамаддунлар тўқнашуви» тушунчаси тарқала бошлаган XX асрнинг 90-йиллари бошидаёқ замонавий дунёда ғоявий асосланган ўз ўрнига эга эди. Совуқ уруш тугашидан сўнг пайдо бўлган мафкуравий бўшлиқ сиёсий технологларни мамлакатларнинг ўзаро муносабатлари бўйича янги тизимни ишлаб чиқишга мажбур этди. Бу бевосита ёки билвосита Яқин Шарқ мамлакатларига нисбатан босқинчилик (интервенция) сиёсатини оқлаш учун керак эди. Ҳозиргача, катта муваффақият билан Исломни навбатдаги душман сифатида кўрсатиб келинмоқда, унгача коммунизм душман эди. Эҳтимол, уларга кўра, рост ёки хаёлий бўлса ҳам душман тимсоли, жамият тараққиётининг ривожланишига сабаб бўлиб хизмат қилади. Токи (бизнинг ҳолатимизда амалда зиддиятга айланган) қиёслаш мавжуд экан, жамиятлар ўзлигини англаш, мавжудлигини ҳис қилиш, технология ва ахлоқ соҳаларидаги савияларини яхшилаш билан

шуғулланмоқдалар. Шундай қилиб, муҳожирларнинг иккинчи ва учинчи авлодларидан бўлган мусулмонлар европаликлар билан ёнма-ён ҳаёт кечириб туриб, кўпинча ўзлари истамаган ҳолда «баррикада, тўсиқнинг нариги томонига» ўтиб қолишмоқда. Дунёвий ҳаёт тарзини илгари сураётган ғарб давлатлари назарий жиҳатдан диндорлар, даҳрийлар ва ғайридинларнинг ҳуқуқларини тенглаштирганига қарамай, амалда исломофобияни (фобия – қўрқиш) ўзларига ғоявий мафкура деб белгилаб олдилар. Сунъий тарзда яратилган исломофобия карикатуралар, китоблар, сиёсатчиларнинг чиқишлари ҳамда диннинг қонунчиликда намоён этилишига қарши тўғридан-тўғри тақиқлар билан мунтазам равишда кучайтирилмоқда.

Islom.uz портали таҳририяти